




ШХТ Бош котиби Самарқандда

МАҲАЛЛАЛАРДА САЙЛОВ БОШЛАНДИ



Тўққиз нафар бола Германияда бепул даволанади

ва. - Бу йил Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Хоразм, Жиззах вилоятларидан келган болалар текширувдан ўтказилиб, уларга зарур тавсиялар берилди.

Накуртда адабиёт байрами

➤ Танқиддан сўнг

Газетамизнинг 2022 йил 18 январдаги 6-сонида фуқаролар мурожаати асосида Паст Дарғом туманидан тайёрланган “Обод бўлмаётган обод қишлоқлар. Улардаги қурилишлар қачон битида?” сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди.

“ОБОД БЎЛМАЁТГАН”

қишлоқлар учун пул ажратилди

Юқорида кўрсатилган объектларнинг қурилиш ишлари жорий йилда якунланиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



Яхши ва янги хабар

Самарқанд давлат университети математик моделлаштириш кафедраси мудири, профессор Бахтиёр Ҳўжаёров Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан "Бир жинсли бўлмаган ғовак мухитларда аномал моддалар кўчиши ва суюқликлар сизиши жараёнларининг математик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ этиш" лойиҳаси учун 2 миллиард 27 миллион сўмлик грантга эга бўлди.

ОҚДАРЁЛИК "ГАЗЧИ" ЧУВ ТУШДИ

Текширув давомида А.С. туман газ таъминоти корхонасидаги айрим ҳодимлар билан жиноий тил бирикитариб, 91 донда маийшй газ баллонларни ўзлаштириб юборганлиги маълум бўлди.

Ҳозирда А.С.нинг жиноий шерикларини аниқлаш бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

➤ Таҳлил ва таклиф

САМАРҚАНД КЎЧАЛАРИДАГИ ТИРБАНДЛИК:

муаммо ва ечимлар

Сўнгиги вақтларда Самарқанд шаҳри кўчалари тобора тир-банд бўлмоқда. Дунёнинг барча йирик шаҳарларини безовта қилаётган бу муаммо бугун нафақат шаҳримиз аҳолиси, балки сайёҳларни ҳам қийнаб, асаббўзарликларга, йўл ҳаракати қоидалари бузилишларига сабаб бўлмоқда.



Тўғри, шаҳримиз кўчаларининг кенгайиши, янгиланиши, кўприк ва йўл ўтказгичлар қурилиши, кузатув камераларининг ўрнатилиши муаммони ҳал этишга ёрдам бермоқда. Бирок соҳадаги сунъий тўсиқларни бартараф этмасдан, тирбандликларни камайтириб бўлмайди.

Президентимиз жорий йилнинг 29 апрель куни Самарқанд шаҳрида транспорт тизимини ривожлантириш бўйича режалар тақдими то билан танишар экан, келажақда “миллионлик шаҳар”даги 49 та чорраҳада “транспорт оқимини рақамли бошқариш” тизими жорий этилиши, 140 та чорраҳага замонавий светофорлар ўрнатилиши, марказий кўчалар замонавий йўл белгилари билан жиҳозланишини таъкидлаб ўтди.

Ўзгаришлар натижасида светофорда туриш вақти 31 фоизга, ҳаракат вақти 36 фоизга, ҳаракат тезлиги 17 фоизга яхшиланади. Бекатлар сони кўпайтирилиб, “ақлли светофор”лар ўрнатилади ва йўл ҳаракати онлайн бошқарилади.

Жумладан, шаҳарнинг Буюк Ипак йўли кўчасидан енгил автомашинада Регистон майдонигача келиш учун илгари 10-15 дақиқа сарфланган бўлса, 3-4 йил аввал бу кўрсаткич 20-25 дақиқани ташкил этарди. Бугунча келиб, 30-35 дақиқачага ошди. Ваҳоланки, бу даврда кўчалар бир неча бор кенгайтирилиб, ўтказувчанлиги оширилган эди.

Тўғри, шахсий автомобиллар сони кескин ошганлигини инкор қилмаймиз. Бизнингча, кўчалардаги тирбандликларнинг бош сабаби светофорларнинг ҳаракат оқими мувофиқлаштирилмаганлиги, иш режимининг оқилона белгиланмаганлиги билан боғлиқ.

Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун мазкур йўналишдаги автомобиль қатновини таҳлил қилиб кўрсак: эрталаб соат 7:00 дан 9:00 гача ёки кечки соат 17:00 дан 19:00 гача Мирзо Улуғбек кўчасидан келаётган автомашина Буюк Ипак йўли кўчасига келганда, 1-1,5 километр узунликдаги тирбандликка учрайди. Кўчанинг қарама-қарши томонида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин. Сабаби, бу кўчалар чорраҳасига ўрнатиш, транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солувчи

светофор тўғри ўрнатилмаган. Яъни, Мирзо Улуғбек кўчаси учун яшил чироқ 29 сония, қизил чироқ 65 сония чақнаб туради. Чунки эрталаб соат 7:00 дан 9:00 гача ва кеч 17:00 дан 19:00 гача бу кўчада тизгиз вақт, яъни автомобиль ҳаракати 2 баробар кўп бўлган пайт ҳисобланади.

Шунингдек, Мирзо Улуғбек ва Гагарин кўчалари чорраҳасидаги светофор ҳам нотўғри ўрнатишган. Сабаби, М.Улуғбек кўчасидаги 3 та светофор ҳам бир вақтда ўнга, чапга ва тўғрига яшил чироқ 55 сония ва қизил чироқ 1 дақиқа-ю 45 сония ёниб туради. Агар мазкур чорраҳадан бурилаётган автомобиллар учун қизил чироқ қўямасдан, тўғрига ва чап томонга бурилаётганлар учун икки кўчага ҳам бир хилда яшил чироқ 60 сония чақнаб турса, кўчанинг ўтказувчанлик қобилияти 5-6 бараварга ошади.

Йўлнинг қарама-қарши томонида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Сабаби, пиёдалар ўтиш жойининг ён томони - маҳалладан чиқаيدиган иккинчи даражали кўча кесиммасида ўрнатишган светофор. Чунки унинг яшил чироғи ҳар дақиқача юзлаб автомобилларни ўтказувчи асосий кўча учун 40 сония, иккинчи тараф — онда-сонда ўтадиган пиёдалар ва ички кўчадан чиқаидиган 3-4 та автомашина учун нақ 20 сония ёниб туради. Яшил чироқ ёнғач, ҳайдовчи ҳаракатни бошлагунча 7-8 сония йўқотилишини, сарик чироқ ёниши хавфини инобатга олиб, ҳаракатни секинлаштириш ҳисобига 3-4 сония сарфланганини ҳисобга оладиган бўлсак, яшил чироқнинг вақти 30 сонияга тенг бўлади. Яна сарик чироқ, кейин 20 сония қизил чироқ, ҳуллас, бир дақиқанинг фақат 30 сониясида кўчада қатнов амалга ошади.

Агар Мирзо Улуғбек кўчаси учун яшил чироқ давомийлиги вақти 40 эмас, 90 сония қилиб қўйилса, йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти беш-олти баробарга ошади. Иккинчи даражали кўчадан яшил чироқ учун 12 сония кифоя. Асосийси, катта кўчада тирбандлик бартараф этилади.

Шу йўналишдаги Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий кўчалари кесишган жойда (“Регистон” меҳмонхонаси ёнида)ги чорраҳада ҳам

пиёдалар ўтиш жойи ва иккинчи даражали кўчада қатнов сийрак бўлса-да, светофорнинг яшил чироғи нақ 20 сония “хизмат қилади”. Ҳолбуки, шу даврда Алишер Навоий кўчаси бўйлаб бор-йўғи 2-3 та транспорт воситаси ҳаракатланади. Мирзо Улуғбек кўчаси эса кун бўйи серқатнов, камига светофор олдидаги бекат олдида автобуслар икки қатор бўлиб, кўчанинг икки йўлагини ҳам банд қилади. Қолган автомобиллар учун кўчанинг битта йўлаги бўш қолади. Аслида бекат чорраҳадан ўтгандан кейин 20 метрдан кам бўлмаган масофада қурилиш керак.

Бундай ҳолатни шаҳарнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин. Таклифимиз, шаҳардаги барча светофорлар мутахассислар томонидан мониторингдан ўтказилиб, пиёдалар ўтиш жойи ва чорраҳалардаги транспорт оқими интенсивлигини ўрганиб, шу асосда светофорларнинг иш режимини қайта белгилаш лозим.

Айтайлик, асосий кўча 80 фоиз ва иккинчи даражали кўча 20 фоиз транспортни ўтказиш қобилиятига эга бўлса, у ҳолда яшил чироқ иккинчи даражали кўчада 20 сония, асосий кўчада 80 сония ёниб туриши талаб қилинади. Пиёдалар ўтиш жойларида светофорнинг яшил чироғи кўчанинг кесиб ўтишга кетадиган ўртача вақт давомида ёниб туриши етарли бўлади. Бу 12-14 сониядан кўп вақт талаб қилмайди. Баъзида светофор қизил ёнганда юзлаб машиналар тўхтаб туради, лекин кўчани кесиб ўтиётган бирорта пиёда кўринмайди. Аммо светофор 20 сония давомида кўчани “ёпиб” туришга мажбур. Яқин келажақда “ақлли” светофорлар ўрнатилиб, бу муаммо ҳам ҳал этилар.

Асосий кўчадаги светофорларнинг ашил чироғи ёниб туриш муддатини узайтириш ва қўшимча кўчага нисбатан ёниш муддатини янада қисқартириш йўллارнинг транспорт ўтказувчанлик қобилиятини бир неча бор ошириши тайин. Қўйлаб хорижий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кўчаларда яшил чироқ 120 сониягача порлаб туради. Бу жуда кўп транспортнинг кўчадан тўсиқсиз ўтиб олишига имкон беради ва тирбандликларнинг олди олинади. Пиёдалар ўтиш жойларида эса яшил чироқ кўчанинг кенглигига қараб, 9-14 сония ишлаб туради. Шу муносабат билан светофорларни жойлаштириш, уларнинг иш режимини мувофиқлаштириш қоидалари ишлаб чиқилиши ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунда бу талабларни бузганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўзда тутувчи меъёр ва қўшимчалар киритилиши лозим.

Комил СИНДОРОВ,
юрidik фанлар доктори.
Ахтам ЎРАЛОВ,
СамДАҚИ профессори.
Абирқул ХУДОЙБЕРДИЕВ,
СамДАҚИ доценти.

Кейинги 4-5 йил ичида чорвачиликка ихтисослашган кластерларнинг ташкил этилиши чорвачиликнинг тармоқ соҳалари ривожланишига туртки берди.

Барча соҳалар каби ислохотларнинг таълим тизимида олиб борилиши, жумладан, Самарқанд ветеринария медицинаси институти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига айлантирилиши кадрлар тайёрлашни тубдан ўзгартиришни талаб этади.

Университетда ветеринария, чорвачилик, биотехнология, агротехнология, агроиктисодиёт тармоқлари учун олий маълумотли кадрларни тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Мавжуд ўқув биолари, лабораториялар, виварий, ўқув тажриба хўжалиги маънавий эскирган асбоб-ускуналари ўрнига янги, замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини шакллантиришни давлат дастури доирасида амалга ошириш белгиланди. Ҳозирда капитал таъмирланаётган ветеринария клиникаси, ветеринария лабораторияси, иқтисодиёт ва агротехнологиялар факультети биолари, эски зоотехния факультети биноси ўрнида янги — 1200 ўринли ўқув биносини қуриш, асбоб-ускуналар, ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозлаш, университет ҳудудида “Ветеринария клиникаси ва касалликлар диагностикаси технопарки”ни ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ўқув жараёнини амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтириш мақсадида технопарк таркибида ветеринария лаборатория-диагностика ва профилактика-даволаш клиникаси,

Техникаларнинг электрон базаси шакллантирилди

“Ўзагроинспекция”нинг вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан жорий йилнинг тўрт ойида 3149 та назорат тадбири ўтказилиб, 1717 та қонун бузилиши ҳолати аниқланган.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Жамолиддин Кари-мовнинг айтишича, қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 1432 нафар юридик ва жисмоний шахс ҳамда тадбиркорларга огоҳлантиришлар берилган, 746 та кўрсатма ва 96 та тақдимнома киритилган.

– Аввало, инспекция фақат жаримага тортувчи эмас, тавсия берувчи ташкилот ҳам ҳисобланади, – дейди Ж.Каримов. – Фаолиятга назар ташлайдиган бўлсак, инспекция ходимлари томонидан ўтган йилгидан кўра, жарима қўллаш амалиёти 70-75 фоизга камайганини кўриш мумкин ва фермерларга кўмак берилмоқда. Яна бир қулайлик — бошқарма

БИЛАСИЗМИ?

Тоғ ва тоғ ён бағирларида меъёридан ортик ёмғир ёғиши оқибатида сел юзага келади. Тоғ сойларида селнинг тезлиги сониясига 2-10 метр ва ундан катта бўлиши мумкин. 1 метр куб сел оқимининг оғирлиги 2 тоннагача етади. Битта жойининг ўзида кўчи сел оқимларининг пайдо бўлиши эҳтимоли катта эмас.

Сел ҳосил бўлиши учун фақатгина ёгингарчиликнинг кўп бўлиши ҳам етарли асос бўла олмайди. Унга қўшимча сув оқими олиб келиши мумкин бўлган тоғ массаси ҳам бўлиши зарур. Тоғ массаси тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлади.

Санжар АДИЛОВ,
“Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази” ўқитувчиси.

АСОСИЙ ТАЛАБ — таълим сифатини ошириш

сунъий уруғлантириш ва наслчилик-селекция маркази, чорвачилик хўжаликлари ва аҳоли хонадонидан парвариланаётган ҳайвонлар учун озуқа етиштириш, жамғариш ва тайёрлаш бўйича уларга амалий ёрдам кўрсатадиган маслаҳат марказлари, ветеринария препаратларини, шу жумладан, ветеринария мақсадлари учун доривор воситалар, озуқа қўшимчалари, биологик препаратлар ва зоогиена воситаларини реализация қилиш бўйича ветмаркетинг хизмати йўлга қўйилади.

Ўқув жараёнида таълим сифатини оширишда юқори илмий салоҳиятга эга, халқаро тажрибага, илгор педагогик технологияларни ўзлаштирган илмий-педагогик кадрлар жамоасини шакллантириш ва университетда илмий салоҳиятни қисқа давр ичида 55-60 фоизга етказиш юзасидан комплекс ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Таълим сифатини ошириш учун ўқув дастурларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш, кредит-модул тизимида талабаларга йўналтириш, мустакил фикрлаш, ижодий ёндашув ва назарий таълим билан амалиётни узвий боғлаган ҳолда уйғунлашган амалий билимлар беришга йўналтирилган инновацион ўқув-услубий материалларни кенг жорий этиш, ўқитишнинг амалиётга йўналтирилган услуби амалга оширилади.

Талабани ҳар бир фанга касбий йўналтириш мақсадида меҳнат бозори талабларидан келиб чиқиб, фанлар, уларнинг кетма-кетлиги, дастурлар ва уларда мавзулар мазмунини асосида

малака талаблари ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилмоқда. Ўқув жараёни графиги йўналишлар ва мутахассисликларнинг хусусияти, чорвачилик, ветеринария хизмати, озуқа экинларни етиштириш агротехнологиялари типроқ-иклим, табиат, ҳайвон турлари ва зотлари, уларда касалликларнинг тарқалиш эҳтимоли, мавсумийлик характерлари эътиборга олинган. Шу билан бирга, танлов ва мажбурий фанлар салмоғи, уларнинг назарий ва амалий жиҳатлари тубдан қайта ишлаб чиқилиб, касбий амалий йўналтирилган.

Таълим сифатини оширишда ўқув жараёнига иш берувчи корхоналар, ташкилотлар, Республика ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан кадрларга қўйиладиган малака талаблари муҳокама қилиб борилади. Ишлаб чиқариш корхоналари билан узвий ҳамкорлик қилиш мақсадида университет кафедралари илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда вилоятларга бириктирилган.

Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг бир-бирига уйғунлиги, таълим кластери тамойили кадрлар тайёрлаш сифатини оширади. Малакали кадрлар ишлайдиган тармоқ, корхона, кластер тизимларда юқори рентабеллик таъминланади.

Абдуғуни ЭЛМУРОДОВ,
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ўқув ишлари бўйича проректори.

ва унинг туман бўлимлари томонидан 31,4 мингта қишлоқ хўжалиги, мелиоратив ва йўл қурилиш техникаларининг электрон базаси шакллантирилди. Жорий йилнинг 4 ойида 3,2 мингта техник паспорт, 527 та техник гувоҳнома, 1320 та тракторчи-машинист гувоҳномалари берилди.

Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, шаффофликни таъминлаш юзасидан тракторчи-машинист гувоҳномалари беришнинг электрон тартиби жорий этилган. Бу касбни эгалламоқчи бўлган йигит-қизлардан назарий имтиҳонлар инсон омилсиз онлайн тартибда ўтказилмоқда. Йилнинг ўтган даврида бирламчи ҳужжатлар бўлмасдан фойдаланиб келинаётган 1,6 минг ўзиюрар техника ва тиркаманинг бирламчи ҳужжатлари шакллантирилиб, техник паспорт берилган. Шунингдек, 150 та техник гувоҳнома янги намунадаги пластик кўринишдагисига алмаштирилган.

Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Собиқ МИБчиларга оид жиноят иши тугатилди

Бу уحوвлонга 2021 йил 25 мартда жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг ҳукми ўқилганди. Унга кўра, судланувчиларнинг ҳар бири 1 йил муддатга қорхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 8 августдаги аҳрими билан ҳукм ўзгартириш қолдирилган.

Лекин Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 8 ноябрдаги аҳрими билан аҳрим бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Ҳўш, судланувчилар ўзи қандай жиноят содир эттишган?

Аслида 32, 34 ва 40 ёшдаги бу йигитлар Мажбурий ижро бюроси Самарқанд шаҳар бўлимининг энергия ресурслари, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан фойдаланиш тартибини назорат қилиш шўъбаси давлат инспектори вазифасида ишлаган.

Улар тегишли ҳудуддаги аҳоли хонадониде истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақиқий сарфини аниқлаш учун ўрнатишган электр ҳисоблагични жойида қўриб, истеъмол қилинган кВт/соат энергия кўрсаткичлари маълумотларини “МИБ Inspector” дастури юкланган мобил қурилма орқали ўзига бириктирилган логин ва парол ёрдамида “Электрхисоб” дастурига масофадан туриб кириштиш лозим бўлган.

Бироқ собиқ МИБчилар ҳар бири 30 ва ундан кўп ҳолатда аслида истеъмол қилинмаган юзлаб миллион сўмлик электр энергияни гўёки, истеъмол қилинганлиги ҳақида бўлган ахборотни ёлғон эканлигини била туриб, қасдан ушбу ёлғон ахборотни “Электрхисоб” дастурига киритган. Бу орқали компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонун билан



қўриқладиган манфаатларига, давлат ва жамоат манфаатларига кўп микдорда зарар етказишган.

Уларнинг иши жорий йил 14 апрель куни вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясида, очик суд мажлисида қўриб чиқилди.

Судлов ҳайъати судланувчи Х.Га-лаев, Ғ.Жўраев ва О.Жўраевларнинг айбдорлигига оид етарли далиллар тўпланмаганини, жиноят иши бўйича фуқароларга, давлат ёки жамоат манфаатларига реал зарар етказилганлигини аниқлаш имкониятлари қолмаганини, уларнинг муқаддам судланмаганини ва содир этилган ҳаракатлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига киришини инобатга олиб, қилмишини, шунингдек, судланувчиларни ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган шахс деб топди.

Собиқ МИБ ходимларига нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, уларга нисбатан юритилган жиноят иши тугатилди.

Ё.МАРҚАЕВ тайёрлади.

➤ Янги тартибга кўра

Жисмоний шахс ҳам банкрот бўлиши мумкин

Жорий йилнинг 12 апрелида давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”-ги Қонунда бу каби қатор янги тартиб-таомиллар белгиланди.

Қонунга кўра, тўловга қобилиятсизлик аломатлари қуйидагилардан иборат:

- вақтинча тўловга қобилиятсизлик – мажбуриятни 3 ойда бажара олмаслик (шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналар томонидан эса 6 ой ичида бажаролмаслик);
- доимий тўловга қобилиятсизлик – судга ариза бериш насасидаги ва ариза берилган йилнинг бошидаги ҳисобот даврида қарздорнинг мажбуриятлари унинг активлари қийматидан ошиб кетиши.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш суд томонидан кўриб чиқилади.

Қарздор пул мажбуриятларини бажармаганлиги муносабати билан унга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқиқа қарздорнинг ўзи ва кредитор эга.

Тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланган тақдирда давлат солиқ хизмати, давлат статистика органлари ваколатли давлат органига устав фондида (устав капиталда) давлат улуши бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни тақдим этиши шарт.

Тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфа-



атларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар қўмитаси ҳимоя қилади.

Ушбу қонун билан жисмоний шахсларни ҳам банкрот деб топиш мумкинлиги белгиланди. Илгари қонунчиликда бундай тартиб-таомиллар назарда тутилмаган.

Жисмоний шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга ариза берган аризачи томонидан молиявий бошқарувчига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам микдорининг 7 баравари микдориде олдиндан пул маблағлари қўйилади.

Тўловга қобилиятсизликнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида ариза берган

аризачи томонидан қопланади.

Бунда суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам микдорининг 7 баравари микдориде олдиндан тўлов амалга оширилади. Суд бошқарувчисига ҳақ ҳар бир якунланган иши учун тўланади.

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судга санация қилиш 12 ойдан 24 ойгача муддатга жорий этилади.

Давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судга санация қилиш тартиб-таомили унинг самарасизлиги аниқланганлиги муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш бўйича суд ҳужжатлари дарҳол ижро этилиши лозим. Суднинг жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги аҳрими ёки жисмоний шахсни банкрот деб топиш ва унинг мол-мулкни сотиш тартиб-таомилини бошлаш тўғрисидаги қарори чиқарилгунига қадар ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг мулкий ҳолати яхшилانган тақдирда, кредиторлар йиғилиши жисмоний шахснинг қарзини таркибий жиҳатдан ўзгартириш режасига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ушбу қонун кучга кириши билан 1994 йил 5 майдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун ўз кучини йўқотди.

Ўктам МУРОДОВ,
Тойлоқ туманларо иқтисодий суди раиси.

“Юксак салоҳият” жамоат бир-лашмасининг Самарқанд филиали 2019 йил май ойида рўйхатга олинган.

Мақсадимиз вилоятимиз аҳолисининг ҳуқуқий ҳимоя қилинмаган қатлами учун юридик хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратиш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқи ва мажбуриятлари ҳақидаги билимларини оширишдан иборат.



шуносга мурожаат билан келувчиларнинг масалалари эса турлича. Айрим кишиларга имтиёз ва субсидия олишлари учун ҳужжатларни саводли расмийлаштириш, бошқасига меҳнат муносабатларини ҳал қилиш, хато имзоланган шартномани бекор қилиш талаб этилади.

Булardan ташқари, алимент ундириш, мол-мулкни тасимлаш, имтиёзли уй-жой олиш, ипотека кредитига навбатда туриш учун аризани қандай тўлдириш бўйича ҳам мурожаатлар кўп.

Бепул ҳуқуқий ёрдамларимизни телефон орқали ҳам кўрсатамиз!

Куйидаги телефон рақамлар орқали ҳуқуқшуносларимиздан жўяли маслаҳатлар олишингиз мумкин:

+998933305656, +998933305858,

+998933305959, +998933305252.

“Юксак салоҳият” жамоат бирлашмасининг Самарқанд филиали.

Хизматлар лицензияланган.

Беминнат ҳуқуқий ёрдам кўрсатамиз

Шундан буён Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича USAID программаси доирасида лойиҳаларимизни амалга ошириб келяпмиз.

Лойиҳамиз вилоятнинг тўрт ҳудуди – Самарқанд шаҳри, Оқдарё, Тойлоқ ва Самарқанд туманлари аҳолисига бепул юридик хизмат кўрсатишни қамраб олади. Шу кунгача ушбу ҳудудлардаги 6,7 мингдан зиёд аҳолига ҳуқуқий маслаҳат бердик. Маслаҳат олганларнинг асосий қисми аёллар (4398 киши).

Кузатишларимизча, ҳар тўққизинчи фуқарода ҳуқуқий маслаҳат олишга эҳтиёж бўлади. Аммо ақсарият юридик фирмалар тижорат асосида ишлайди. Шу боис кўпчилик пенсионер, ногирон ёки кўп фарзандли оилаларнинг юридик хизматлардан фойдаланишга қурби етмаслиги мумкин. Ҳуқуқ-

риш, бошқасига меҳнат муносабатларини ҳал қилиш, хато имзоланган шартномани бекор қилиш талаб этилади.

Булardan ташқари, алимент ундириш, мол-мулкни тасимлаш, имтиёзли уй-жой олиш, ипотека кредитига навбатда туриш учун аризани қандай тўлдириш бўйича ҳам мурожаатлар кўп.

Бепул ҳуқуқий ёрдамларимизни телефон орқали ҳам кўрсатамиз!

Куйидаги телефон рақамлар орқали ҳуқуқшуносларимиздан жўяли маслаҳатлар олишингиз мумкин:

+998933305656, +998933305858,

+998933305959, +998933305252.

“Юксак салоҳият” жамоат бирлашмасининг Самарқанд филиали.

Хизматлар лицензияланган.

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

“Самарқанд вилоят Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти ижроия органи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича “Ўзагросервис” АЖ кузатув кенгашининг 2022 йил 27 апрелдаги мажлиси қарори ҳамда “Самарқанд вилоят Агросервис МТП” МЧЖ директорининг 2022 йил 13 майдаги 6-Р сонли буйруғига мувофиқ, туман “Агросервис МТП” МЧЖлариға тегишли кўчмас мулк объектлари, қишлоқ хўжалик техникалари, транспорт воситалари, агрегатлар, дастгоҳлар, ускуналар ҳамда бошқа асосий воситалар бозор баҳосини аниқлаб, баҳолаш хулосасини бериш бўйича мустақил баҳолаш ташкилотлари ўртасида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда қатнашиш истагида бўлган баҳолаш ташкилотлари интернет ахборот порталида берилган қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари талаб этилади:

1. Танловда қатнашиш тўғрисида мурожаат.
2. Баҳолаш ташкилоти тўғрисида тўлиқ маълумот.
3. Баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш бўйича лицензия ва сертификатлар нусхалари.
4. “Самарқанд вилоят Агросервис МТП” МЧЖ ва туман “Агросервис МТП” МЧЖлариға тегишли кўчмас мулк объектлари, қишлоқ хўжалик техникалари, транспорт воситалари, агрегатлар, дастгоҳлар, ускуналар ҳамда бошқа асосий воситаларнинг бозор баҳосини аниқлаб, баҳолаш хулосасини бериш бўйича хизмат ҳақининг минимал миқдори ва ҳар бир туман МТП бўйича бажариш муддатлари аниқ акс этган жадвал.

Барча таклиф (ҳужжат ва маълумот)лар конвертга солинган ва муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Танловда қатнашувчиларнинг ҳужжатлари 2022 йил 1 июнь кuni соат 16:00 гача қабул қилинади.

Таклифлар Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Р.Хошимов кўчаси, 26-уй манзилида қабул қилинади.

Танлов ўтказиш санаси ва вақти: 2022 йил 2 июнь кuni соат 10:00.

Жамиятга кўрсатилган муддатдан кечиктирилиб келган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Телефонлар: (97) 444-02-54, (93) 995-35-21, (91) 523-59-19

“Самарқанд вилоят Агросервис МТП” масъулияти чекланган жамияти ижроия органи.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА!
Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Алиев Абдулғафизга (2021 йил 28 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасида марҳум Шарипов Фаррух Рустамовичга (2021 йил 30 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шахло Бахриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 17-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нуркосинов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Рахимов Улмас Рашидовичга (2021 йил 7 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нуркосинов Рамзиддин Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 80-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаева Фаррух Фарходович нотариал идорасида марҳум Азизов Абдуҳафизга (2021 йил 1 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаева Фаррух Фарходович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чукүр йўл кўчаси, 9-“Б” уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Раҳматов Аҳмад Хикматовичга (2021 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Умарова Дилораға (2021 йил 11 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Тошкент кўчаси, туман Давлат хизматлари маркази биносига.

Маҳоратли педагог эди

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, умрини фақат эзгу ишларга бағишлайди. Маҳоратли педагог Жамила Худойбердиева ана шундай хайрли ишлари билан атрофидагиларнинг меҳрини қозонган эди.

У 1972 йил 6 февралда Қўшработ туманининг Шўрчи қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, устозлари каби ўқитувчи бўлиш орзусида Каттақўрғон шаҳридаги педагогика техникумида ўқиди.

1992 йилда техникумни имтиёзли диплом билан битирган Жамила Қўшработ туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Ўз касбини астойдил севганидан бор меҳрини ўқувчиларга берди. Еш ўқитувчи болаларни илм олишга қизиқтира олди. Унинг меҳнатлари сабаб ўқувчилари олий таълим муассасаларига кириб, ҳаётда ўз ўрнини топди. Мактабда ишлаб, бир қатор иқтидорли шогирдлар тайёрлади. Унинг таълим-тарбиясини олган ўқувчилар ўзининг хулқи, одоби билан бошқаларга ўрнак бўлди.

Жамиланинг меҳнатлари бир неча марта вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан эътироф этилди. Унинг маҳорат даражаси вилоят газеталари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида



тарғиб қилинди.

Жамила оилада ҳам бошқаларга ўрнак тадбирли аёл, меҳрибон она эди. Турмуш ўртоғи Бахтишод Шодмонов билан уч ўғил, икки қизни муносиб тарбиялаётганди. Афсуски, оғир хасталик уни орамиздан олиб кетди.

Меҳрибон она, самимий инсон, жонқуяр педагог Жамила Худойбердиевнинг хотираси фарзандлари, ҳамкасблари ва шогирдлари қалбда абадий яшайди.

Қўшработ туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-168-сон қарорига мувофиқ, давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш турган кучмас мулк объектлари ҳамда улушлари “E-auktion” электрон савдо платформаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

№	Объект номи	Балансда савловчи ташкилот номи	Жойлашган манзили	Умумий ер майдони (га.)	Бино ва иншоотларнинг умумий эгалланган майдони (кв.м.)	Савдоларга чиқарилган бошланғич нархи (сўм)	Савдо санаси	Ариза бериш охириги муддати
1	Бўш турган спорт зал биноси	Иштихон тумани ҳокимлиги	Иштихон тумани “Бешариқ” МФЙ	0,0374	373,92	384 700 000,0	13.06.2022 й.	13.06.2022 й.
2	Бўш турган бино ва иншоотлар	Пахтачи тумани тиббиёт бirlашмаси	Пахтачи тумани “Дабусқалъа” МФЙ	0,0844	270,2	147 500 000,0	13.06.2022 й.	13.06.2022 й.

Аукционга қатнашиш тартиби тўғрисида:

Ушбу объектларни “E-auction” электрон савдо платформаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auction.uz” сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auction.uz” сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний ва юридик шахслар Давлат хизматлари марказидан ёки “E-auction” электрон савдо платформаси орқали электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин.

Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар “e-auction.uz” сайтида яратилган “Шахсий кабинет”лари орқали кириб, ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос тақдорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатига аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиш керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи

томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг “Шахсий кабинет”ига ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни:

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар e-auction.uz сайтида махсус логин ва паролларни терган ҳолда “Шахсий кабинет”га киради ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинг аукционларим” бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан “Иштирок этишни тасдиқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқланганидан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кuni соат 10:00 да бошланади).

Аукционга қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақами берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бери белгиланган қадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан

тасдиқланмаса, аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охириги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топирилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси (Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими).

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан қўрсатилган ҳисобрақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

Қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил:

Самарқанд шаҳри Камол Отатүрк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси (Давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими).

Маълумот учун телефонлар: (66) 233-96-64, 99-447-17-70

Факс: (66) 233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatizatsiya.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

берилган UZA № 091773 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 55-ўрта мактабдан 1992 йилда Хуразов Ибрагим Абдуллаевич номига берилган А № 214008 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 55-ўрта мактабдан 1994 йилда Хуразов Ибрагим Абдуллаевич номига берилган А № 499782 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Нуробод туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Қўчқоров Умиджон Гулмурод ўғли номига берилган УМ № 0148953 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 37-ўрта мактабдан 1997 йилда Нуриддинов Рустам Саломидинович номига берилган О'Р-Д № 387271 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги 22-ўрта мактабдан 1999 йилда Джўраев (ҳозирда Фозил) Хозир Фозилевич номига берилган О'Р-З № 159458 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тойлоқ туманидаги 16-ўрта мактабдан 1994 йилда Раҳимова Маърифат Тошмақоматова номига берилган ВУ № 264052 рақамли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 67-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Салайдинова Нодира Холбой қизи номига берилган У № 2507108 рақамли ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2000 йилда Раҳимова Насиба Тоштурдиевна номига берилган О'Р-А № 156168 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Иштихон туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Нурматов Дилшод Мухиддинович номига берилган О'Р-Ш № 0252031 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 22-ўрта мактабдан 1994 йилда Қасимова (ҳозирда Хуразова) Мавжуда Қасимовна номига берилган А № 341325 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Булунғур туманидаги 1-ўрта мактабдан 1996 йилда Қасимова (ҳозирда Хуразова) Мавжуда Босимовна номига

➤ Аччиқ, аммо очик гап

Худонинг инояти билан минг ой умр кўрдим, иккита тузумни бошдан ўтказдим, ўндан зиёд давлат раҳбарлари сиёсатига гувоҳ бўлдим. Шу сабабдан авлодларимга бир сўз айтишга маънавий ҳақим бор, деб ўйлайман. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсам, жамиятимизда менга ўхшаганларнинг ибратига, сўзига эҳтиёж кучайганини сезаяман. Шунинг учун сизларга 83 ёшли тақдиримнинг ўзим таскин олган томонларини айтиб бермоқчиман.

Ишламаган... тишламасин-да!

Оби-раҳматлик Хуррам бобо Муродовнинг деганлари

Самарқанд шаҳридаги Оби-Раҳмат маҳалласида туғилдим, ўсдим, отам Қудрат чармгар касбини эгаллаб, кам бўлмадим. Ҳозирги ёшлар кўлига диплом олгач ёки бир касбни эгаллаб, дабдурустдан ҳамма эҳтиёжини қондирадиган маош талаб қилишяпти. Биз эса... аввалига кунўтарига, кейинчалик рўзгор тебратишга ишлаганмиз, чунки бойлик орттириш тўғрисида хатто хаёл қилмаганмиз. Ортиқча пул инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатишини билганмиз. Буни отамиз, онамиз мисоллар билан қўлогимизга қўйишган.

Мен қарийб 70 йил чармгарлик қилдим. Терини аҳолидан териб келдик, уни ошладик, пиширдик, бўядик, Сибё ариги бўйида тозалаб ювиб, чармдан маҳси ва бошқа пойабзаллар тикдик. Ҳар куни бир ишини қилсак-да, қаноат қилдик, касбимиздан завқландик. Мана, бүгун ана шу заҳматларим мевасини кўриб турибман: касбдошларим ардоғидаман, оиламдан розиман, ҳаётимдан кўнглим таскинда.

Албатта, ҳар кимнинг таскини ҳар хил. Биров мансабга миниб, биров катта давлат тўплаб, биров боласини лавозимга қўйиб, ҳузур қилади, бахтим шу деб ўйлайди. Аммо мен учун ўз қилшогимда, маҳалламда юзимнинг ёруғ бўлиши, фарзандларим камолини кўришим доимо энг катта бахт бўлган. Турмуш ўртоғим Зухраҳон билан (жойлари жаннатдан бўлсин, 2007 йилда вафот этди) тўрт ўғил, уч қизни ана шу ниятлар билан вояга етказдик. Биз учун ўғил-қизларимизнинг бирор касбни эгаллаши, халққа хизмат қилиши ҳамиша ғурур бағишлаган. Негаки, касби бор одам бировга муттаҳам бўлмайди, элга фойдаси тегади. Мен буни ўз тақдирим мисолида кўрдим.

Хотиним билан қанча қўп ишласак, фарзандларимиз ёнимизда туришди. Зухраҳон Галаосиёнинг энг моҳир новвойларидан бири эди. Хамир қорса, чой узатдим, нон ёпаман деса, тандирини қиздирдим. У ҳам менга чармларни саралашда, тайёр маҳсулотни сотишда кўмаклашди.

Фарзандларимнинг ҳаммаси чармгарлик билан новвойликни ўз иктидорига яраша ўзлаштириб олишди. Муҳими, онаси ва менинг ёрдамимда рўзгордаги барча ишларни ўзлари қилишни ўрганишди.

Бугун катта ўғлим Илҳомжон Самарқанд кулолчилик мактабининг забардаст вакили, Бадий академия аъзоси. Яқинда Москвада “Тюбейка” (“Дўппи”) фестивалида дунё хунармандлари қаторида иштирок этиб, обрў билан қайтди. Сал олдинроқ Фарғонада ўтказилган “Халқаро хунармандчилик фестивали”да ҳам совриндор бўлди. 2019 йилда “Ташаббус-2019” кўрик-танлови ғолиблигини қўлга киритди. Айтингчи, қайси ота ўз фарзандининг ана шундай ютуқларидан қувонадими?!

Фақат бугина эмас, Илҳомжон ўғли Меҳрожин ҳам ўз мактабида тарбиялай олди. Бу неварамда ташаббускорлик, фикрлаш кучлироқ, илми ҳақ ёмон эмас. Айниқса, миллитимиз тарихига муҳаббати ниҳоятда кучли. Қачон қараманг, кулолчиликка оид китобларни арақлаб ўтиради. У ҳам Бадий академия аъзоси, бундан ташқари, Осиё ва Тинч океани хунармандлар ассоциацияси аъзоси ҳам. 2019 йилда Москвада, ундан кейин Бишкекда “Хунармандлар халқаро фестивали”да иштирок этган.

Меҳрожнинг орзулари ниҳоятда улуг. У чармгарликнинг мен улгурмаган соҳаларини қилмоқчи. Яъни, сифатли чармдан китобларга муқова ясашни йўлга қўймоқчи. Ёнимизда Зариф Мухторовнинг Самарқанд қоғози фабрикаси бор. Улар ўзаро келишиб, яхши китобларга чиройли, бежирим ва узоқ вақт сақланадиган чарм муқовалар яшаш устида ишлашяпти. Меҳрож бунинг учун бошқа давлатлар тажрибаларини ўрганапти.

Дарвоқе, Меҳрожнинг ўғли Темур Илҳомов кулолчилар сулоламининг учинчи авлоди ҳисобланади. У ҳали 3-синфда ўқийди. Лекин аллақачон “Моҳир кўллар” республика танловиди ғолибликни эгаллаб, бобоси ва отаси касбига даъвогарлик қилляпти. Яна бир ўғлим Икром ошпаз, уни нафақат Самарқанд шаҳрида, бошқа



вилоятларда ҳам яхши танишади. Турли давлат тадбирларида, фестивалларда ош пиширади. Иброҳим эса машина устачилигини танлади. Фарзандлари билан техника воситаларига замонавий технология асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйган.

Қизларим ҳам Худога шукрки, ота-она изидан боришди. Кенжа қизим Дилбар оилавий пойабзал цехи очган. Бир неча йилдан буён аҳолини чармдан ясалган сифатли оёқ кийимлари билан таъминлаб келяпти. Ўғли Дамиржон дастлаб Тошкентдаги Турин университетини битириб, АҚШда пойабзал машиналарини ишлатиш ва созлаш бўйича мутахассисликка ўқиб келди. Насиб этса, онасининг ёнида туриб, пойабзал фабрикасини ривожлантиради.

Барча фарзандларим ва наби-раларим ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасман. Чунки улар ҳам ҳеч кимдан, давлатдан ҳам, маҳалладан ҳам, бегонадан ҳам ёрдам сўрашмайди. Сабаби, биз уларга меҳнат қилишни, меҳнат орқали рўзгорини бут қилишни ўргатганмиз. Аммо телевизор орқали (телефон қовлашга вақтим йўқ) айрим ношудларнинг билатига кучи, кўзида нури, тўрт-беш сотих ери, уч-тўрт нафар фарзанди бўла туриб, давлатдан ёрдам сўраб турганини кўриб, тўғриси, хафа бўляпман. Нима учун биз ишёқмасни боқишимиз керак?! Нима учун биз тавсия этган ишга борманг одам билан мурося қилишимиз керак?! Ахир бутун дунёда (хатто АҚШда ҳам) ишламаган, ишлашни истаманг одамларга мурувват кўрсатилмайдими-ку!

Бугун давлатимиз раҳбари қимирлаган, озгина бўлса-да, меҳнат қилган одамга даромад қилиш имкониятини яратиб бердилар. Ўзини билган, ҳурматини сақлаган, қалбида шижоати бор одамлар ҳалол меҳнати билан рўзгорини бутляпти, бой бўляпти. Мен ана шундай юртдошларим билан фахрланаман. Ва, уларнинг сафи кенгайиб боришини истайман.

Хуллас, мени фикрим шу: ишламаган... тишламасин!

Самарқанд давлат чет тиллар институтида 20–21 май кунлари “Замонавий лингвистик тадқиқотлар: хорижий тажриба, истиқболли изланишлар ва тилларни ўқитишнинг инновацион усуллари” мавзусида халқаро илмий–амалий анжуман ўтказилади.

Юртимизда илм-фан ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ш.Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим–тарбия ва илм–фан соҳаларини ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳадаги ислохотларнинг навбатдаги босқичини белгилаб берди.

Бунинг натижасида фаннинг бошқа тармоқларида бўлгани каби замонавий лингвистик тадқиқотлар самарадорлик кўрсаткичи ҳам ошишига эришилмоқда. Жумладан, замонавий тилшуносликда ҳозирги давр талабига кўра, когнитив тилшунослик, лингвистик прагматика, социолингвистика, психолингвистика, корпус лингвистика, лингвомаданиятшунослик каби бир қатор соҳаларда янги илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўз навбатида, хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга йўналтирилган илмий изланишларнинг лингвистик тадқиқотлар билан ҳамоханлиги мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги илмий салоҳиятини янада оширади. Зеро, юртимизда чет тилларни ўқитишнинг сифатини ошириш ва самарали усуллари таълим жараёнига татбиқ қилиш,

Олимлар учун фикр–мулоҳаза майдони

олий таълим муассасаларида хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатиш бўйича илмий–тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, илмий салоҳиятли мутахассисларни тайёрлаш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан биридир.

Маълумки, мамлакатимиз таълим тизимида илмий–назарий жиҳатдан асосланган, чет тилларни ўқитишда нутқий мулоқотга йўналтирилган янги педагогик технологияларни ёритувчи ва информацион технологиялар билан таъминланган дарсликлар, ўқув қўлланмаларни яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиб, хорижий тил таълимини янада такомиллаштириш миллий таълим дастурининг асосий мақсади ҳисобланади. Шу нуктаи назардан хорижий тилларни ўқитишда бутун дунёда устувор йўналиш сифатида тан олинаётган коммуникатив таълим методидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда табиийки, мамлакатимизда ва хорижий давлатларда олиб борилаётган филологик ва лингводидактик тадқиқотларга таяниб иш олиб бориш, бу йўналишларда илмий–назарий ва илмий–амалий анжуманлар ўтказиш яхши самара беради.

Анжуманда республикамиздаги барча олий таълим муассасаларининг чет тиллар бўйича етакчи мутахассислари ва Германия, Испания, Россия, Хитой каби мамлакатларнинг олимлари иштирок этади.

➤ Ёнимиздаги одамлар

Дилбар Имомовани бир кўришдаёқ ёқтириб қолганман. Ёш, қотмадан келган, катта, яшил кўзлари порлаб, қулиб турадиган очикқўнғил, ҳамманинг ҳаваси келадиган қиз эди. Ўша пайтларда обком комсомолда ишлар, вилоят комсомоллари етакчиси Носир Ёқубовичнинг топилма кадр эди. Биз, тарғиботчилар бўй инсон танловига, интуициясига доим қўйил қолганмиз. Чунки у киши танлаган кадрлар ўз ишини биладиган, ҳалол ишлайдиган бўлиб чиқарди.



Самарқанднинг дилбари

Дилбар жуда саводли, маданиятли, одоли қиз бўлиши баробарида ўзбек, рус, тожик ва немис тилида бемалол гаплашарди. СамДУ чет тиллар факультетининг немис тили гуруҳини аъло баҳоларга тугатганди. Факультет раҳбарлари уни институтда қолиб, аспирантурада ўқишга таклиф қилишганди. Аммо вилоят комсомол комитетига ҳам ундай ёшлар керак эди. Ўша пайтлар ёшлар туризми ривожланаётган йиллар эди. Дилбарни шу ишга таклиф қилишди. У бу вазифада сидқидилдан меҳнат қилиб, меҳмонларнинг эътирофига сазовор бўлади. Ўша йиллари сайёх сифатида Самарқандга ташриф буюрган Хиллари Клинтон, космонавт Виктор Горбатколарга ҳам Дилбарнинг ўзи ҳамрохлик қилиб, шаҳар ҳақида батафсил маълумот беради. Ўшанда вилоят раҳбарлари меҳмонларни кечки зиёфатга таклиф қилиб, дастурхон атрофига ўтиришга ундаганларида бир воқеа рўй беради. Космонавт В.Гурбатко бизга гидлик қилган қизимиз ҳам келсин, нега уни қақирмадингиз, деб қолади. Дилбарнинг олдига одам юборилганда, “Вилоят раҳбарлари олдида қандай ўтираман”, деб боришдан бош тортади. Аммо бормаса, раҳбарлари гап эшитишини ўйлаб, бу таклифга рози бўлади.

Дилбар шундай одоби ва камтарлик фазилатлари билан ҳам кўпчиликнинг меҳрини қозонганди. Ҳозир ҳам шундай. Бунинг барчасига назаримда оиласидаги муҳит сабаб бўлган. Сабаби, Дилбар Имомова эл танган журналист Бобоқул Имомовнинг фарзанди бўлиб, бу оиланда мудом маърифий муҳит ҳукмрон бўлган.

Кейинчалик Дилбар вилоят партия комитетига ишлади. Вилоятда каттагина тарғибот гуруҳи мавжуд эди. У пайтлар турмуш тарзи ҳозиргидек эмас, қишлоқларда хотин–қизлар қийналиб, қора меҳнатдан қиқмай яшарди. Шунинг учун тарғибот гуруҳи тузилиб, бу гуруҳ туманларда хотин–қизлар билан учрашар, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш,

моддий, маънавий ёрдам бериш, руҳини кўтариш каби вазифаларни амалга оширарди. Бундай учрашувлар давомида қўп муаммолар ҳам ҳал этиларди.

Мустақилликнинг илк йилларида давлат раҳбари иштирокида ўтказилган катта бир йиғинда Биринчи Президентимиз қутилмаганда вилоят фаолларидан худуддаги муаммолар, уларнинг ечимлари ҳақида сўраб, савол ташлаганда, залда жимлик сақланиб қолганди. Шунда Биринчи Президент хотин–қизларга сўз берайлик, деб тўсатдан Дилбархонга “гапиринг”, деб таклиф қилгандилар. Дилбар шу топда ўзини йўқотиб қўймай, бурро–бурро қилиб, ўша пайтлар хотин–қизларни қийнаётган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикрларини билдирди. Шу–шу у хотин–қизлар билан боғлиқ муаммоларга ечим излайдиган жонқуяр аёл сифатида қалбимиздан янаям чуқурроқ ўрин олди.

Дилбарнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қиладиган бўлсам, катта бир китоб бўлади. Унинг давлат ва халқ учун амалга оширган ишлари ҳаммаси шунчаки бўлмаган. У ишласа, жон–дили билан, фидойилик кўрсатиб меҳнат қилар, вазифани қутилганидан ортиги билан бажариши баробарида ташаббус кўрсатиб, муаммоларни ҳал қилишга уринарди.

Дилбар ҳозир оилада сеvimли она, меҳрибон буви, жонқуяр рафиқа сифатида қадрли, суюқлидир. Ибратли аёллар ҳақида гап кетганда, кўпчилик тенгдошлари қаторида менинг ҳам кўз ўнгимдан Дилбархон ўтади. Унинг ўзи, одоби, турмуш тарзи – барчаси хотин–қизларга ҳар жиҳатдан ўрнақдир.

Сўзлаганда Дилбарой – келар чаман бўйлари, Юзларида табассум, ёқимли сўз–ўйлари. Нигоҳлари пурмаъно, сўзига фалсафа жо, Ноёб илму маҳорат юқтирган унга Аллоҳ. Ҳамида ҚАРИМОВА.

Ижодкор жой танламайди (Чизгилар)

Ижод яхши қалбнинг нақши, яхши ижодкор элнинг шону шуҳрати, миллат бойлигидир.

Ижодкор – тафаккурнинг жамиятдаги қудратини исботловчи шахс.

Миллат маънавиятининг салоҳияти ижодий тарбия самараси ўлчанади.

Ижоднинг интихоси бўлмайди.

Ижодкор – хаёл асир...

Ижод беғубор қалбда намоён бўлади, шу боис унинг самараси қалбларни поклaysди, фикрни теран қилади.

Яхши асарни ҳар ўқиганингда янгича маъносини англагаверади.

Бадий асарлардан барча саволларга жавоб топиш мумкин.

Ижодкорни етиштирган халқ буюқдир.

Шомирзо Абдуазизов, Паст Дарғом тумани.

Ўзбекистонда металл бадий ишлов беришининг ўзига хос бир соҳаси – бу пичоқчилик санъати. Қадим замонлардан бери ўзбекларда пичоқ мардлик тимсоли бўлиб келган. Уни яхши ният билан совға қилишган. Анъанага кўра, пичоқ Риштон, Хива, Тошкентнинг сирланган сополларида, шунингдек, Самарқанд сўзаналари, Нурота ва бошқа марказларнинг безаклари рамзи сифатида тасвирланган.

Пичоқ – куч ва фаровонлик рамзи

Қадимда пичоқлар турли сеҳр–жодудан ҳимоя воситаси деб ҳам қаралган. Инс–жинслардан халос қилувчи пичоқлар бўлгани ҳам бунга гувоҳлик беради. Борди–ю, хонадонда табаррук пичоқ сақланса, ўғил фарзанд туғилади, деб ишонишган. Пичоқ тигини тоблашда ишлатиладиган сув касалликларга даво деб қаралган.

Совғабоп ёки буюртма пичоқлар чиройли ва ихчам, турли шаклга эга бўлиб, қора ўйма–кори нақш билан безатилган, “гулбанди” пичоқ деб аталган.

Пичоқ тиглари ҳам ўзига хос кўриниш касб этади – энсиз ёки кенг, тўғри ёки қайирма каби. Шунингдек, бандлар ҳам бир–биридан фарқланади: яхлит ёки улама, металл, сунякли, қадма нақшли ёки бўяма бўлган. XIX аср охири XX аср бошларида Хива, Бухоро, Чуст, Қўқон, Самарқанд, Тошкент безакли пичоқ ишлаб чиқариш марказлари ҳисобланган.

Ҳозирги кунда Андижон, Чуст, Қорасув, Қўқон, Тошкент, Марғилон, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Хива каби анъанавий марказларда безакли пичоқчи–

➤ Қадриятларимиз



лик санъати сақланиб қолган ва ривожланмоқда.

Усталар пичоқ дамининг пухта, ўткирлиги билан бир қаторда, унинг сопини безашга ҳам алоҳида эътибор берганлар. Соплар металл, ёғоч, хай–вонлар мугузи, фил суягидан ясалиб, садаф, жавоҳирлардан қадама қилинган, ислимий ва ҳандасавий шаклларда гул туширилган. Миллий пичоқларга талаб ошганлиги туфайли бугунги кунда ушбу хунармандчилик янада ривожланмоқда. Қўплав истеъдодли пичоқчи усталар ўз ишларига ижодий ёндашиб, уларнинг янги турларини ясамокдалар.

Хуршида ФАЙЗУЛЛАЕВА, Регистон ансамбли гид–экскурсоводи.

МАТБУОТ УЙИ Zarafshon Самарқандский Вестник

МУАССИС: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 504 nusxada chop etildi. Buyurtma 309. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

A.SHERXOLOV.

Navbatchi:

Y.MARQAYEV.

Sahifalovchi:

B.ABDULLAYEV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda